

“МАЪҚУЛЛАНГАН”

Давлат тест маркази Илмий-методик
кенгашининг 2016 йил 30 декабрдаги
йиғилиши 4-сон баёни қарори билан

“ТАСДИҚЛАНГАН”

Давлат тест марказининг
2017 йил 6 январдаги
01-08-сонли буйруғи билан

**ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ТЕСТ МАКАЗИ ТОМОНИДАН
КЎРСАТИЛАЁТГАН “ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ҲАРБИЙ-ТИББИЁТ ФАКУЛЬТЕТИГА НОМЗОДЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ БЎЙИЧА
ТЕСТ СИНОВЛАРИ ЎТКАЗИШ” ДАВЛАТ ХИЗМАТИНИНГ РЕГЛАМЕНТИ**

1. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТАФСИФИ (ПАСПОРТИ)

1.1. Хизмат номи

Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги Ҳарбий-тиббиёт факультетига номзодларни қабул қилиш бўйича тест синовларини ўтказиш.

1.2. Хизмат натижаси

Давлат тест маркази:

- Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги Ҳарбий-тиббиёт факультетига номзодларни қабул қилиш бўйича тест синовларини ўтказиш;
- бажарилган тест топшириқларини текширади ва натижасини чиқаради;
- қабул комиссиясига тест синови натижалари билан бирга тўлдирилган титул варақаларини топширади;

1.3. Хизмат кўрсатувчи орган

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест макази

1.4. Ҳуқуқий асослари

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 июлдаги 203-сон қарори билан тасдиқланган Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги Ҳарбий-тиббиёт факультетининг Устави

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2013 йил 2 июлдаги 01-236-сон буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 29 июлда 2496-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган “Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги Ҳарбий-тиббиёт факультетига номзодларни қабул қилишда тест синовларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ (кейинги ўринлар НИЗОМ деб юритилади)”

1.5. Хизматдан фойдаланувчилар

Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги Ҳарбий-тиббиёт факультети

1.6. Сўровнома берилиш муддати

Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги Ҳарбий-тиббиёт факультети Қабул комиссияси томонидан тест синови ўтказилишидан 10 кун олдин бино, аудиториялар тўғрисидаги маълумотлар ва режа-чизмалар электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда Давлат тест марказига тақдим этилади. Тақдим этилган маълумотларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмайди.

1.7. Ижро муддати

Тест синовлари ўтказиладиган кун Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 июлдаги 203-сон қарори билан тасдиқланган Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги Ҳарбий-

тиббиёт факультетининг Уставида белгиланган муддатларда Мудофаа вазирлиги томонидан Давлат тест маркази билан келишган ҳолда белгиланади.

1.8. Хужжатларни тақдим этиш муддати

Қабул комиссияси тест синовлари ўтказилишидан 10 кун олдин тест синовларини топширишга тавсия этилган абитуриентлар ҳақидаги (махсус код, қайд рақами, таълим муассасасининг номи, фуқаролиги, фамилияси, исми, отасининг исми, миллати, жинси, паспорт серияси ва рақами, яшаш жойи, туғилган йили ва жойи, ижтимоий келиб чиқиши, таълим олаётган таълим муассасаси номи ва манзили, таълим тили) маълумотларни Давлат тест маркази томонидан тақдим этилган махсус дастур орқали маълумотлар базасига хатосиз киритади ҳамда уларнинг электрон суратларини, мазкур Низомнинг 1-илоvasида келтирилган шакл бўйича абитуриентлардан тушган аризалар ҳақидаги маълумотлар билан бирга Давлат тест марказига тақдим этади.

2. ХИЗМАТДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАРНИ ХАБАРДОР ҚИЛИШ

2.1. Маълумотларнинг таркиби ва ҳажми

Давлат тест маркази таълим муассасаларидан барча маълумотлар ва маълумотлар базаларини электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда қабул қилиб олади ва ишлов беради;

Давлат тест маркази тест синови ўтказилишидан 3 кун олдин абитуриентлар рухсатномалари ва абитуриентларга рухсатномаларни тарқатиш қайдномасини электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда қабул комиссиясига топширади;

Бажарилган тест топшириқларини текширади ва натижасини чиқаради ҳамда тест синови қайдномасини тасдиқланган ҳолда Қабул комиссиясига топширади.

2.2. Кенг доирада маълумот берилиши

Барча маълумотлар Давлат тест маркази орқали Тошкент тиббиёт академияси хузуридаги Ҳарбий-тиббиёт факультети Қабул комиссиясига расмий хат, телефон хизмати орқали тақдим этиб борилади.

2.3. Сўровнома бўйича маълумот берилиши

Тошкент тиббиёт академияси хузуридаги Ҳарбий-тиббиёт факультети Қабул комиссияси томонидан тест синови ўтказилиш билан боғлиқ сўровномалар Давлат тест маркази томонидан кўриб чиқилади ҳамда расмий хат орқали маълумот берилади.

2.4. Хизмат кўрсатилаётган манзил бўйича маълумот берилиши

ДТМ расмий веб-сайти.

ДТМ куйидаги манзилда жойлашган: Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси 12-уй, телефон: (0 371) 200-19-14. Мўлжал: метро “Бодомзор” бекати.

2.5. Фойдаланиладиган бланк (шакл)лар

1. НИЗОМнинг 1-илоvasида келтирилган шакл бўйича абитуриентлардан тушган аризалар ҳақидаги маълумотлар;

2. НИЗОМнинг 2-илоvasида келтирилган шаклдаги титул varaқасини;

3. НИЗОМнинг 3-илоvasида келтирилган шаклдаги абитуриент рухсатномасини;

4. НИЗОМнинг 4-илоvasи 2-шакли бўйича абитуриентлар рухсатномаси;

3. ХИЗМАТ КўРСАТИШ

3.1. Иш вақти

Тошкент тиббиёт академияси хузуридаги Ҳарбий-тиббиёт факультети томонидан тақдим этиладиган маълумотлар Давлат тест маркази иш куни ва иш вақтида тақдим этилиши мумкин.

Иш вақти: 9-00дан - 18-00гача. Дам олиш кунлари: шанба, якшанба.

3.2. Кутиш шarti

Тест синови натижалари Давлат тест марказидан олинган куни таълим муассасасида эълон қилинади ҳамда абитуриентларга тест синови натижалари бўйича тўлиқ маълумот берилади.

4. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТАРТИБ – ТАОМИЛИ

4.1. Хизмат кўрсатиш босқичлари

1-босқич. Тест синовлари ўтказиладиган кун Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 июлдаги 203-сон қарори билан тасдиқланган Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги Ҳарбий-тиббиёт факультетининг Уставида белгиланган муддатларда Мудофаа вазирлиги томонидан Давлат тест маркази билан келишган ҳолда белгиланади.

2-босқич. Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги Ҳарбий-тиббиёт факультети ва Давлат тест маркази ўртасида титул варақасини, абитуриент рухсатномасини, абитуриентларнинг умумий рўйхатини ва абитуриентларга рухсатномаларни тарқатиш қайдномасини чоп этиш бўйича шартнома тузилади.

3-босқич. Абитуриентлар тегишли равишда 7 та умумқасбий фанлар мажмуалари бўйича тест синовини топширади. Тест топшириқлари умумқасбий фанлардан Давлат таълим стандартларига мувофиқ тузилади. Тест топшириқлари баъзаси Қабул комиссияси томонидан Давлат тест марказига топширилади.

4-босқич. Давлат тест маркази томонидан абитуриентлар сонига мос равишда саволлар китоби тайёрланади. Саволлар китобидаги ҳар бир фан 15 та топшириқни ўз ичига олади. Абитуриентга тест топшириқларини бажариш учун 105 та саволга – 2 соат 40 дақиқа белгиланади. Жавоблар варақасини тўлдиришга тест синови учун белгиланган вақт меъёрига қўшимча 20 дақиқа ажратилади.

5-босқич. Қабул комиссияси жорий йилда тест синовларига қатнашадиган абитуриентлар сонини ўтган йилга нисбатан 20 фоиз қўшган ҳолда режалаштиради. Тест синовлари ўтказиш талабларига жавоб берадиган бино ва аудиторияларни тайёрлайди.

6-босқич. Тест синови ўтказиладиган бинолари режа-чизмаси Давлат тест маркази томонидан тасдиқланади.

7-босқич. Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги Ҳарбий-тиббиёт факультетига номзодларни қабул қилиш бўйича тест синовлари Мудофаа вазирлиги томонидан Давлат тест маркази билан келишилган кун ўтказилади.

8-босқич. Бажарилган тест топшириқлари Давлат тест маркази томонидан текширилади ва натижаси чиқарилади ҳамда тест синови қайдномасини тасдиқланган ҳолда Қабул комиссиясига топширилади.

4.2. Хизматнинг молияланиши

Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги Ҳарбий-тиббиёт факультетига номзодларни қабул қилиш бўйича тест синовларини ташкил этиш ва ўтказиш хизматини молиялаш Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги Ҳарбий-тиббиёт факультети ва Давлат тест маркази ўртасида тузилган шартнома асосида белгиланади.

4.3. Хизмат кўрсатишнинг ички – идоравий босқичлари

Давлат тест маркази Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги Ҳарбий-тиббиёт факультетига номзодларни қабул қилиш бўйича тест синовларини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ қуйидаги вазифаларни бажаради:

- тест материалларининг сифатли, нуқсонсиз тайёрланишини таъминлайди ҳамда махфийликни сақлаган ҳолда тайёрлайди ва чоп этади;

- таълим муассасаларидан мазкур Низомда қайд этилган барча маълумотлар ва маълумотлар базаларини электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда қабул қилиб олади ва ишлов беради;

- Давлат тест маркази вакиллари, аудитория раҳбарлари ва кузатувчиларини таълим муассасаси бўйича тақсимотини амалга оширади;

- абитуриентларнинг аудиториялар бўйича рўйхатларини шакллантиради;

- тест материалларини фельдъегерлик хизмати ходимларига топширади ва улардан қабул қилиб олади;

- қабул комиссиясига тест синови натижалари билан бирга тўлдирилган титул варақаларини топширади;

- бажарилган тест топшириқларини текширади ва натижасини чиқаради;

5. СИФАТ ТАЪМИНОТИ

5.1. Сифат кўрсаткичлари

Давлат тест маркази тест синови натижаларининг холисоналиги, ишончлилиги ва адолатлилигини таъминлайди.

Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги Ҳарбий-тиббиёт факультетига номзодларни қабул қилишда тест синовларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

1-шакл

**Абитуриентлардан тушган аризалар ҳақида
МАЪЛУМОТ**

(таълим муассасаси номи)

(йил ва сана)

T/p	Танлов коди	Таълим тили	Тест коди	Жами аризалар сони	Шу жумладан, саралаш тест синовларида иштирок этадиганлар сони
1.					
2.					
	Жами				

Қабул комиссияси раиси

(имзо)

(Ф.И.О.)

Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги Ҳарбий-тиббиёт факультетига номзодларни қабул қилишда тест синовларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

**Титул варақаси
(олд томони)**

TITUL VARAQASI; ТИТУЛЬНЫЙ ЛИСТ

Familyasi, ismi, otasining ismi/Фамилия, имя, отчество

Ta'lim muassasasi/Образовательное учреждение: _____ Guruh/Группа: _____ O'qish o'rnini/Mесто: _____

Ta'lim tili/Tilmasi/язык обучения: _____ Tanlov kodi/Kod soni/урок: _____

Ta'lim shakli/Tipi/тип обучения: _____

Qabul komissiyasi mas'ul kishi/Ответственный сотрудник приемной комиссии: _____

(F.I.O./Ф.И.О.): _____ (imzo/подпись): _____




Ta'lim muassasasi nomi/наименование учебного заведения

Abituriyent tomonidan test sinovlari vaqtida to'ldiriladi. Заполняется абитуриентом во время тестирования.
Titul varaqasi dagi zaruriy ma'lumotlar xato to'ldirilgan yoki to'ldirilmagan holdlarda e'tirozlar ko'rib chiqilmaydi.
В случае ошибочного заполнения либо незаполнения необходимых данных в титульном листе претензии не рассматриваются.

Jadvallar sarag'ini raqam: Номер листа ответов

--	--	--	--	--	--	--

Abituriyent imzosi/Подпись абитуриента

Имза/Подпись

Auditorni rahbari/Руководитель аудитории

F.I.O./Ф.И.О.

Имза/Подпись

Титул varaқаси (орқа томони)

	Test sinovi qaydnomasidan ko'chirma / Выписка из ведомости тестовых испытаний	№ Т 21000000
<p>I. fan/ предмет _____ <i>fan nomi / predmet krykoma</i></p> <p>II. fan/ предмет _____ <i>fan nomi / predmet krykoma</i></p> <p>III. fan/ предмет _____ <i>fan nomi / predmet krykoma</i></p> <p>IV. fan/ предмет _____ <i>fan nomi / predmet krykoma</i></p> <p>V. fan/ предмет _____ <i>fan nomi / predmet krykoma</i></p> <p>VI. fan/ предмет _____ <i>fan nomi / predmet krykoma</i></p> <p>VII. fan/ предмет _____ <i>fan nomi / predmet krykoma</i></p>	<p>VIII. Umumiy ball / Общее количество баллов _____ <i>umumiy ball / obshche kolichestvo ballov</i></p> <p>IX. Ushbu ta'lim yo'nalishi bo'yicha belgilangan eng past o'tish balli: Minimallashtirilgan proqabotioy ball, opredelenenniy po etemy napravleniyu obrazovaniya: _____ <i>umumiy ball / obshche kolichestvo ballov</i></p> <p>X. Abiturientning nomzodlikka qabul qilinishi: Зачисление абитуриента _____ <i>umumiy ball / obshche kolichestvo ballov</i></p>	<p>Qabul komissiyasi mas'ul kotibi Ответственный секретарь приемной комиссии</p> <p style="font-size: small;">TSC ATMM: shu yilning 1-iyulidan boshlab har hafta 25.01 - qavatda, 1910571/1905 - raqamda test sinovlari o'tkazilmoqda.</p>

Тошкент тиббиёт академияси хузуридаги Ҳарбий-тиббиёт факультетига номзодларни қабул қилишда тест синовларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА
Абитуриент рухсатномаси
(олд томони)

ABITURIYENT DIQQATIGA!	№ R 21000000
<ol style="list-style-type: none"> 1. Mazkur ruxsatnoma pasport bilan birga ko'rsatilganda, bino hodudiga kirish imkonini beradi. 2. Axborotnoma abiturientlar 5:30 gacha kiritiladi. Belgilangan vaqtdan kechikkandan test sinoviga kiritilmaydi. 3. Abiturientlar bino hodudiga faqat ruxsatnoma va pasport bilan kiritiladi. Yoshlar har qanday buyruqlarni olib kirish harakati alardan test sinovlarini topshirish jarayonida foydalanish bilan tenglashtiriladi hamda test sinovlaridan chetlatiladi. 4. Nomzodlikka e'lon qilinganidagi buyruqdar, so'ng, yoki nomzodlikka qabul qilinishni harajatlarni qaytarib olishda ruxsatnoma qabul komissiyasiga topshiriladi. 5. Abiturient ruxsatnomasidagi zaruriy ma'lumotlar noto'g'ri kiritilgan yoki to'ldirilmagan hollarda e'lonlar ko'rib chiqilmaydi. 	 <p style="text-align: center;">ABITURIYENT RUXSATNOMASI</p> <p style="text-align: center;">ПРОПУСК АБИТУРИЕНТА</p>
<p style="text-align: center;">ВНИМАНИЮ АБИТУРИЕНТА!</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Данный пропуск при предъявлении паспорта дает возможность входа на территорию здания. 2. Выпуск абитуриентов на территорию производится до 5:30 часов. Опоздавшие не допускаются в здание университета. 3. На территорию здания абитуриенты допускаются только с пропуском и паспортом, помысли абитуриент нести остальные документы, производится в пользование их во время тестовых испытаний и он удаляется с территории университета. 4. После приема в здание здания при приеме, документы при поступлении и при сдаче пропуск сдается в приемную комиссию. 5. В случае ошибочного заполнения либо некорректных необходимых данных в пропуске абитуриента приемник не рассматривается. 	

Абитуриент рухсатномаси
(орқа томони)

